

Йўлдош РАВШАН

**ОНА СУРХОННИНГ  
ФИДОЙИ  
ФЕРМЕРЛАРИ**

«Тафаккур» нашриёти  
Тошкент  
2009

**65.321.4 (5Ў)**  
**P13**

**Равшан, Йўлдош.**

Она Сурхоннинг фидойи  
фермерлари / Йўлдош Равшан. —  
Тошкент : Tafakkur, 2009. — 288 б.

ББК 65.321.4 (5Ў)

Бугун қишлоқда неки ижобий ўзгариш бор бўлса, унда, албатта, фермернинг улуши бор. Ўздан ортиб, ўзгаларга, эл-улусга яхшиликлар улашаётганлар сафида фермер ҳам турибди. Қишлоқни обод қилиш, турмушни фаровонлантиришда фермер олд қаторда. Айниқса, Президентимиз томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган йилда бободехқонларимизнинг ошиғи олчи бўлиши тайин.

Юртимизда бундай меҳнаткаш, уддабурон деҳқон-фермер-чорвадорлар жуда кўп. Куёшли Сурхон воҳасида ҳам “Меҳнат дея яралган” деҳқонлар ислоҳотларнинг олдинги сафларида боришмоқда. Қўлингиздаги ушбу китобни ҳормас-толмас фермерларимиз меҳнатига бир таъзим сифатида қабул қиласиз.

ISBN 978-9943-372-07-8

© Йўлдош Равшан  
© «Табаккур» нашриёти, 2009

*Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги  
йилига бағишланади.*

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

*Бешикдан сахрога улоққан йўллар,  
Қиличмас, кетмонга узанган қўллар.  
Тупроқдан яралган ризқу тириклик,  
Она алласидан бошланган куйлар.  
Белинга қувват бўлай, дардинга дармон,  
Меҳнат дея яралган эй, Бободехқон.*

Бу қўшиқ илк бор янграганига 20 йилдан ошди. У пайтлар бободехқонларимиз меҳнати қадрланмас, эккан-тиккан ҳосилидан бир ҳовуч ҳам қолдирмай, ҳаммасини умумхирмонга топширар эдилар. Истиқлол ҳамма қатори деҳқонни ҳам яйратди. У ўз меҳрини тўкиб ишлаётган ерига ўзи хўжайин бўлди. “Ишлаган — тишлайди”, деган мақолни чин маънода исботлади.

Бугун қишлоқда неки ижобий ўзгариш бор бўлса, унда, албатта, фермернинг улуши бор. Ўзидан ортиб, ўзгаларга, эл-улусга яхшилиқлар улашаётганлар сафида фермер ҳам турибди. Қишлоқни обод қилиш, турмушни фаровонлантиришда фермер олд қаторда. Айниқса, Президентимиз томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган йилда бободехқонларимизнинг ошиғи олчи бўлиши тайин.

Юртимизда бундай меҳнаткаш, уддабурон деҳқон-фермер-чорвадорлар жуда кўп. Қуёшли Сурхон воҳасида ҳам “Меҳнат дея яралган” деҳқонлар ислоҳотларнинг олдинги сафларида боришмоқда. Қўлингиздаги ушбу китобни ҳормас-толмас фермерларимиз меҳнатига бир таъзим сифатида қабул қиласиз.

## «ЛОЧИН»НИНГ ПАРВОЗИ

Очерк

*Жайрон отдай учқур умр ўтаверар,  
Яхшилик қил, токи қўлинг жиловдадир.*

### Она қувончи

Бирин-кетин саккиз фарзандидан айрилган Зулфия она ёлғиз фарзанди Аҳмаджонни еру қўкка ишонмас, осмонга қўйсам — гард, ерга қўйсам — чанг бўлади, дерди. У мактабни тамомлаб, ўқишга кетди-ю, бор ороми бузилди. Кўз олдида Аҳмаджоннинг сурати: қийқириб кулишлари, чақноқ, катта-катта кўзларидан қувонч порлаб туришлари...

Иш она кўнглидагидай бўлди. Аҳмаджон ўқишдан йиқилиб қайтди. Унинг кўнгли бузилган, қовоқлари уйилган, Зулфия она эса хурсанд. Ўғли худди академияни тамомлаб қайтгандай қувончи ичига сиғмайди. Бунни кўрган Умид ака ўзини туютмайди.

— Сенга нима бўлган, Зулфи? Ҳушинг жойидами? Ўғлинг институтга кириб эмас, йиқилиб келди. Шунинг учун уятдан қизаряпти? Сен бўлса ўлганнинг устига тепгандай қиб...

— Отаси, жим бўлинг. Сиздиям киссангизда институтнинг қоғози йўқ. Шу эски, шалдираган машина билан ҳам бировдан кам яшамаяпмиз. Бахт бир дипломда эмас. Ундан кўра ўғлим олдимда юрсин. Тоғдай бўлган қорасини кўриб турай. Сизга нима, барибир. Отасиз-да. Жонингиз кўп ачимайди. Мен шу ўн тўққиз кунда ўлиб қолаёздим.

Аҳмаднинг танасига ажиб меҳр, илиқлик энди. Кела солиб энасининг юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб олди.

— Ўзимнинг энажонимдан... ўзимнинг меҳрибонимдан.

Зулфия онанинг кўнгли чойдаги оққанддек эриди.

— Лочинникидек чиройли кўзларингдан, болам, илоё лочин бўл. Лочин — қушларнинг энг зўри. Тоза, мард қуш. Ҳаром-хариш хўракдан ўзини тортади.

Ана шундан сўнг Аҳмаджон лочин қушига қизиқиб қолди. Уни кузатадиган бўлди. Китоблар топиб, лочин қуш сифатларини ўқиди. У Максим Горкийнинг “Лочин кўшиғи” асарини қайта-қайта ўқирди. Ўқиганидан унинг айрим жойлари ёд бўлиб кетди.

### **Аҳмадбой фермер бўлди**

У барибир ўқиди. Дипломли бўлди. Ўқиганда ҳам зўр институтда ўқиди. 1979 йили Тошкент политехника институтининг кундузги бўлимини тамомлади. Тўғри, тўрт йил Зулфия онага анча жабр бўлди. Жабрланса, нима қилсин. Куч — билимда, бахт — билимда. Шоир бекорга: “Кўрар кўзларнинг нури билимдандир”, демаган. Кўникди, бардош берди.

Файратли, соғлом, табиатан меҳнатга ўч Аҳмаднинг омади, иши юришиб кетаверди. 1979 — 1980 йиллари Сариев туманидаги Шарғун гишт заводида аввал мастер, сўнгра эса техника хавфсизлиги бўйича муҳандис бўлди. Раҳбарлик сирасорларини ўрганди. Булар эса унинг келажак ҳаётига маёқ бўлди.

Шундан сўнг она юрти Деновга қайтиб, 37-қурилиш ташкилотига 2 йил муҳандислик қилди. Ёш йигит бутун вужуди, жисми-жони билан ишга берилди. Умид ака ўғли ишдан қайтгач, панд-насиҳат қиларди:

— Болам, ўзингни катта олма. Ҳамма пайт жамоа билан бўл. Ўзингни айри олма. Кейин, энг ёмони, иш яширма. Билганларингни бошқаларга ҳам ўргат...

Ўғил эса шу ўғитларга қулоқ осарди. Шунда ота бир неча кун қувончи ичига сигмай юрди. Аммо... аммо 1991 йилнинг февралда йигит бирданига тўнини тескари кийиб олди. Худди бирор нарса етмай, қийналаётгандай. Бунинг сабаби ҳам кўп ўтмай ойдинлашди.

— Ота, мен фермер бўламан. Оқ фотиҳа беринг, — деди Аҳмад кунларнинг бирида.

Ота ўйга толди ва узоқ жимликдан сўнг сўради:

— Бу нима дегани? Шундай ишам борми? Эшитмаган эканман.

Аҳмад тушунтиришга ҳаракат қилди:

— Фермер дегани — бу улкан иш, Президентимизнинг ташаббуси. Кўп мамлакатлар шу фермерлик туфайли обод бўлиб кетган. Бунда одамлар эркин ишлайди. Бамисоли ўз томорқасида ишлагандай: етиштирган нарсасига ўзи бек, ўзи хўжайин. Қанча кўп мулк, бойлик тўпласа, аввал ўзи, кейин мамлакат обод бўлади. Элда арзончилик, маъмурчилик бўлади.

Шундай қилиб, Аҳмад Нарзуллаев Денов туман ижроия кўмитасининг 1991 йил 19 мартдаги 93-4/4-сонли қарори билан фермер бўлди. Туман ҳокимининг 1998 йил 24 сентябрдаги 814-сонли қарори билан фермер хўжалиги қайта рўйхатга олинди.

Аҳмад Нарзуллаев хўжаликка ном ахтарар экан, кўз олдига, хаёлига ярқ этиб лочин келди. У — зўр қуш, тўфонларни, бўронларни писанд қилмайди. Довуларда пати тўзимайди. Парвози тик, қудратли, энг муҳими, ўзига ишонувчан довурак қуш.

Бугун “Лочин” республикада донгдор, довруқли. Иш бошлаганда атиги 3 гектаргина ери, 4 тагина йирик шохли қора моли бор эди.

Энди эса умумий ер майдони 341,8 гектарга, қорамоллар сони 1750 бошга етди.

### **Фермер мактаб қурди**

2000 йилга келиб “Лочин” ҳавас қилгудек қад ростлади. Шу йили хўжалик 231,3 тонна гўшт, 104 тонна картошка, 105 тонна дон, 125 тонна сабзавот, 50 тонна полиз маҳсулотлари етиштирди. Ялпи даромад 102 миллион сўмни, соф фойда эса 63 миллион 645 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси 62,05 фоизни ташкил қилди.

2000 йилда колбаса, макарон ва нон маҳсулоти ишлаб чиқарадиган цех қурилиб, ишга туширилди. 25 кишидан иборат янги иш жойлари яратилди.

2000 йилнинг февраль ойи эди. Фермага ўтаётиб, йўл устидаги мактабга кирди. Директорида қандайдир зарур иши бор эди. Шу баҳонада мактаб ҳовлиси, заллари ва синфхоналарида ҳам бўлди. Рост бу ердан кўнгли жуда-жуда хижил бўлиб чиқди. Чиқдида, тўппа-тўғри туман ҳокими ҳузурига жўнади. Бахтига қабулда

одам йўқ, ҳоким қандайдир ҳужжатларга кўз югуртириб ўтирарди. Бу унинг 8 йил деганда ҳоким қабулида бўлиши эди.

— Бизга қўшни қишлоқ Оролдаги мактаб расво! Биласиз, аввал бу иморат парранда фермасининг жўжа очирадиган жойи бўлган. Синфхоналар бир аҳволда: зах, сувоқлар кўчган. Бизнинг Деновга бундай мактаб ярашмайди.

...Орадан эллик кунлар ўтди, Термиздан қайтган Аҳмад Нарзуллаев Оролга — кўча бўйидаги мактабга бурилди. Қараса, мактабга киравериш эшигида бир оппоққина “Нексия” турибди. Туман ҳокимининг муовинларидан бири кексароқ бир киши билан мактабни кўздан кечираётган экан. Бегона киши мухбир бўлса керак, унга баъзи нарсаларни тушунтиряпти.

— Мана шу икки қаватли 320 ўринга мўлжалланган мактаб гоят қисқа фурсатда — 60 кунда қуриб битказилди. Бу ҳали Денов тарихида бўлмаган. Қурилиш ишлари учун эса 40 миллион сўм сарфланди.

— Фермерларингиз дадил экан, — деди ҳалиги одам баъзи нарсаларни ёзиб оларкан.

— Дадил, дадил, — деди ҳоким муовини унинг гапини маъқуллаб. — Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Мактабга 2 гектар ер ажратилди. Қаранг, яхши, хушҳаво жойдан.

— Фермернинг ўзини кўришимиз керак экан-да, — деди нимадандир кўнгли тўлмаётгандай бўлган меҳмон.

— Келиб қолар. Парта масаласида Термизга кетган.

Шу пайт гурс-гурс қадамлар билан ўзлари томон юриб келаётган Аҳмад Нарзуллаевга кўзи тушган муовин деди:

— Ана ўзлари ҳам келиб қолди...

Мухбир кетди. Кўп ўтмай газетада “Аҳмад фермер мактаб қурди” деган бир саҳифалик очерк эълон қилинди. Шундан бери у газета саҳифаларидан тушмай қолди. Айниқса, қаҳрамон бўлгандан сўнг, ҳатто шоирлар унга бағишлаб шеърлар ёзаётир:

*“Лочин” фермер, баланд бўлсин парвозинг,  
Эллар узра янгарар доверуқ овозинг.*

## Порлоқ дамлар, ҳайратланарли рақамлар

“Лочин” фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаевнинг Республика “Ташаббус — 2000” кўрик-танловидан барибир кўнгли яйраб қайтмади. Гарчи танловда 3-ўринни олиб, бронза медали соҳиби ҳамда “Республиканинг энг саховатли фермери” деган юсак унвонни олган бўлсаям. Чунки, хўжаликнинг шу йили эришган ютуқлари чиндан ҳам залворли эди: 117 тонна картошка, 210 тонна сабзавот, 87 тонна полиз маҳсулотлари, 1,5 тонна колбаса, 186 тонна бугдой, 15 тонна сут, 1 тонна асал, 3 тонна балиқ. Ялпи даромад 337 миллион сўм, соф фойда 213 миллион. Йирик шохли моллар сони 1225 бош.

2001 йили хўжалик 55 миллион сўмга спорт комплекси қурди. Унда миллий кураш, бокс, таэквандо, шахмат-шашка секциялари ишламоқда. Айниқса, ўзида 2000 литр сутни қайта ишлайдиган, 21 минг АҚШ доллари ҳисобига қурилган мини завод ишга туширилгани гоят катта аҳамиятга эга эди.

Унинг нияти Республикада илғор фермерлардан бири бўлиш эди. «Ташаббус»да 1-ўринни олиб олтин медал ва Президент совринини қўлга киритиш эди. Бу ниятига у “Ташаббус — 2002”да тўлиқ эришди. Олтин медалли ва «Матиз»ли бўлди.

“Лочин” чиндан ҳам Республикада шу йили довруқ таратди. Ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 75 центнердан тўғри келди. 35 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишга эришди. Буни фоизга чоғиштирадиган бўлсак, 157,5 фоиз демакдир. Умумий даромад 620 миллионга кўтарилди. Унинг 190 милиони соф фойда. 350 нафар ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 45 минг сўмга тўғри келди.

Қувонч билан айтиш керак: “Лочин” фермер хўжалиги эришган ва эришаётган ютуқларни бир очеркка жойлаб бўлмайди. Бирини ёзсангиз, бири қолиб кетади. Маҳалла гузари ҳозир шаҳарчани эслатади. Бу ерда бунёд этилган қишлоқ врачлик пункти, “Лочин” спорт мажмуаси, 8 хўжаликка мўлжалланган 2 қаватли турар жой биноси, милиция таянч пункти, соғломлаштириш маркази учун қурилган замонавий иморатлар, мини банк, кутубхона, тикув цехлари фермер хўжалигининг саховатли меҳнатидан дарак бериб турибди.

Албатта, буларнинг бариси қунт ва чидам билан қилинган меҳнатлар ҳосиласидир. Узоқни кўра оладиган, тadbиркор, ишчан фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатининг аъзоси Аҳмад Нарзуллаевнинг ташаббускорлиги туфайлидир!



## БЕШИНЧИ ҚАҲРАМОН

*Юксалар қаршимда энг бахтли одам.  
Абдулла Орипов*

### Дўст рози — Худо рози

Баъзан шундай бўлади: ғам, кулфат паналаниб, пайт пойлаб ёқангдан олади. Кўп ҳолларда бундай хуруж, кўргуликлар олдида одам талмовсираб, гарансиб қолади. Бошини қаёққа уришни билмайди. Бундан бир неча йил муқаддам ангорлик Норсоат Муҳаммадиевнинг бошига шундай ташвиш тушди: чарақлаб турган кўзи бирданига мутлақо кўрмай қолди. Уй ташвишда, бутун оила ташвишда. Айниқса, Норсоатнинг ҳасратларига бардош бериш...

— Эй, Яратган эгам, эй, Оллоҳим, менга сенинг бундан ўзга жабринг, ситаминг йўқмиди? Келиб-келиб кўздан ҳам оласанми? Ўзинг мадад бер, Художон!

Даладаги ишларни жойлаштириб бўлиб, керакли одамларга керакли топшириқларни айтиб бўлган Исохон ака “Дамас”нинг рулини Норсоат акаларникига бурди. Оила аъзоларининг юзида ғам сояси. Кичкиналардан бири машинани таниб уйга чопди.

— Исохон бобом келдилар.

Уй эгаси тимирскиланиб, пайпасланиб ўрнидан тураркан, эзгин бир товушда деди:

— Кел-а, дўстим-а. Кел-а, синфдошгинам-а. Қариганингда ошнанг шундай бўп қолди. Кўр бўп қолди. Қанийди, сенинг ҳамиша кулимсираб турган юзингни, чиройли келбатингни яна бир бора кўрсам.

Исохон фермер болалигидан қадрдон ошнасининг ёнига ўтиб турарди. Ростининг ҳам кўнгли бузилди. “Одамда кўз бўлмагандан кейин... кўз одамнинг борлиги, одамлиги. Эҳ, Худойжон-ей...”. Аммо буларни сиртга чиқармади. Маҳкам бўлди. Ошнасининг кўнглини кўтариб гапиришга ҳаракат қилди:

— Хафа бўлма, ошна. Ҳозир техника замони. Бу-ку кўз экан. Ундан кўра бўл, ҳозир сени бир зўр кўз дўхтирга — Қаҳрамон

дўхтирга кўрсатиб келаман.

Кўзи ожиз Норсоат аканинг баттар хўрлиги келди. Буни ошнасидан яшира олмади.

— Ошна, аҳволимни ўзинг биласан. Кўл калта бўлгандан кейин...

— Бу ёғини ўйлама.

Бирпасда уйдагилар уни кийинтиришди. Йўлга тушишди.

— Яхши бўп кетади. Кўз очилади, — деди кўз шифокори. Шунда Исохон аканинг қувонганини кўрсангиз эди! Ёш боладай қарсак чалиб юборишига сал қолди.

Хуллас, Норсоат аканинг кўзи аввалгидай бўлиб кетди. Исохон ака соғайиб қайтган ошнасининг огир ишда ишлашига йўл кўймади. Фермер хўжалигига қарашли гаражга қоровул қилиб кўйди. У ўтган-кетганга Исохон акани мақтайди. Дуо қилади, алқайди.

— Бахтимга шундай ошнам бор экан. Дунё тургунча турсин. Болаларининг хузурини кўрсин!

### «Исохон аканинг касалхонаси»

Уни меҳмондорчиликка айтиб кетишди, бормаса бўлмайди. Оғзига етган-етмаган одам ҳар хил гап қилиши мумкин. Меҳмондорчиликда уни ўнгдаги ёруғ бир хонага таклиф этишди. Бу ерда уч-тўртта дўхтирлар ўтиришган экан. Туман марказий шифохонаси бош врачлари ҳам шу ерда. Даврадагиларнинг аксарияти шифокорлар бўлгани учун гурунг мавзуси касаллик турлари, уларни даволаш усуллари ҳақида эди. Бош врачнинг гаплари Исохон аканинг диққатини тортди.

— Ишимиз ёмонмас. Деярли барча бўлимлар қайта таъмирланди, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар олинди. Аммо шу кардиология бўлими са-ал... Юракни яхши биладиган зўр мутахассис врачларимиз етарли. Аммо... жиҳозлардан сал оқсаяпмиз. Насиб бўлса, энди кучни шу ёққа қаратамиз. Кеча туман ҳоқими билан маслаҳатлашдим.

Исохон фермер суҳбатга вазмингина қулоқ солиб ўтирди. Деярли ҳеч нарса демади. Аммо эртаси — 2005 йилнинг 10 март кунини эрталаб бош шифокорнинг қабулига борди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1064> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1064> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1064>